

Халқ сўзи

Ўзбекистон —
келяжаги
буюк
давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

E-mail: xalksuzi@uzpak.uz

2003 йил 8 май, №99 (3211)

Пайшанба

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ

Капитал қурилишда иқтисодий ислохотларни янада чуқурлаштиришнинг асосий йўналишлари тўғрисида

Капитал қурилишда иқтисодий ислохотларни янада чуқурлаштириш, тармоқда бозор иқтисодиёти тамойиллари ва талабларига мос келадиган хўжалик муносабатларини кенг жорий этиш, пудрат, лойиҳа ишлари ва қурилиш материалларининг ривожланган бозорларини шакллантириш, қурилишда нарх белгилаш механизмини такомиллаштириш, лойиҳаларни амалга оширишнинг пировард натижалари ва самардорлиги учун инвестиция жорийи бarchа қатнашчиларнинг масъулиятини ошириш мақсадида:

1. Қуйидагилар капитал қурилишда иқтисодий ислохотларни янада чуқурлаштиришнинг асосий йўналишлари этиб белгиланган:

2003-2004 йилларда лойиҳа ва пудрат қурилиш ташкилотларини давлат тасарруфидан қилиш ҳақида хусусийлаштириш жараёнини тўлиқ тугатилган, уларнинг негизда асосан хусусий ва қўшма корхоналар ташкил этиш, лойиҳа ва қурилиш ишлари бозорда рақобат муҳитини яратиш; капитал қурилишда бошқарув ва хўжалик муносабатлари тизимига бозор тамойиллари ҳамда механизмларини кенг жорий этиш, лойиҳа ва қурилиш ишларини бажаришда буюртмалар жойлаштиришда танлов савдолари (тендерлар)ни ташкил этиш тартибини ошириш;

қурилишнинг ташкил қилишнинг асосий шакли сифатида иншоотларни тўлиқ қуриб битказишга ўтиш, ишларни юқори сифатли бажариш ҳамда иншоотларнинг тўлиқ қуриб битказилиб топширилишини таъминлайдиган инжиниринг компаниялари ва лойиҳа-қурилиш ташкилотларини тузиш;

қурилиш материаллари бозорини кенгайтириш, ишларнинг илгор турларини ишлаб чиқаришни ўзлаштириш, қурилиш индустрияси корхоналарида замонавий технологияларни татбиқ этиш.

2. Белгиланган, марказлаштирилган манбалар ҳисобидан, шунингдек Ҳукумат қаролини билан жалб этиладиган инвестициялар ҳисобидан янги корхоналар қуриш, уларни кенгайтириш, реконструкция қилиш ва техник жиҳатдан қайта қурилган ишларнинг фақат танлов (тендер) савдолари асосида контракт тузган ҳолда ишларни тўлиқ бажариш шарти билан амалга оширилади.

Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги, Давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси, Молия вазирлиги, Адлия вазирлиги бир ой муддатда иншоотларни тўлиқ қуриб битказишни ташкил этиш бўлимига янги Низомни ва Иншоотларни тўлиқ қуриб битказишнинг намунавий пудрат шартномасини Вазирлар Маҳкамасига тасдиқлаш учун тақдим этсинлар.

Маъмур ҳужжатларда қуйидагилар аниқ белгилаб қўйилсин:

буюртмачи ишлар (хизматлар) бажарилишини лойиҳа қўйилганидан 30 фойизга қадар миқдорда аванс билан таъминлаш, келишилган жадал бўйича аванс ҳисоб-китоби олган ҳолда 50 фойизга қадар миқдорда жорий молиялаштирилган амалга ошириш ҳамда иншоот қуриб битказилиб, фойдаланишга топширилгандан кейин уziel-кесил ҳисоб-китоб қилини шарт;

пудратчи иншоотнинг буюртмачига тасдиқланган лойиҳа ва контрактда шарт қилиб қўйилган талабларга мувофиқ топширилишини таъминлаш ҳамда инвестиция жараёнининг барча босқичларида жами ишларни амалга ошириш бўйича контрактнинг бажарилиши учун, қурилиш сифати ва иншоотнинг ўз вақтида топширилиши учун буюртмачи олдида иқтисодий жиҳатдан жавобгар бўлади;

пудратчи иншоотни тўлиқ қуриб битказиш бўйича шартнома мажбуриятларини бажариш учун тижорат банкларининг кредитларини жалб этишнинг имконияти;

қурилишнинг пировард

ларига қатъий риоя этилиши учун жавобгар бўлади;

иншоотни фойдаланишга қабул қилиб олиш буюртмачи томонидан Давлатқурилишазорат ишториқда белгиланган сифат стандартларини ҳисобга олган ҳолда таъминланади, нуқсонлар мавжуд бўлган тақдирда эса архитектура-қурилиш назоратини амалга оширишга вақил қилинган органларнинг ҳуқуқсиз буйича сифатсиз бажаришдан қурилиш-монтаж ишлари қиймати миқдориди ишларнинг ҳажми чиқариб ташланади ёки нуқсонлар айбдор томоннинг маблағлари ҳисобидан бартараф этилади;

контракт шартларини бузиш билан боғлиқ барча сарф-харajatлар ва қурилган зарарлар айбдор томон — буюртмачи ёки қурилиш маблағлари ҳисобидан қопланади.

6. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги, Давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси бошқа манфадор идоралар билан биргаликда бир ой муддатда бош пудратчилар ва субпудратчилар, пудрат ташкилотлари ҳамда қурилиш материаллари ва конструкцияларни etkazиб берувчилар ўртасидаги ўзаро муносабатларнинг ягона намунавий тартибини ишлаб чиқиб, Вазирлар Маҳкамасига тасдиқлаш учун тақдим этсинлар. Бунда қурилиш материаллари ва ишларнинг қиймати сўғийи равишда қийматлашувини бартараф этиш мақсадида муносабатлар тизимиди оралиқ бўғинлари ҳамда воситачи ташкилотларни тугатилиши кўзда тутилсин.

7. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Иқтисодиёт вазирлиги, Давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси билан биргаликда бир ой муддатда давлат маблағлари ҳисобидан қурилиш ишларини амалга оширувчи буюртмачиларнинг фаолиятини тубдан такомиллаштириш, шу жумладан иншоотлар қурилишини бориши устидан техник назоратни кучайтириш, уларнинг таъминот, савдо-воситачи ташкилотларини ҳамда буюртмачи номидан иш қўрувчи оралиқ тўғриқиларини тугатиш бўйича Вазирлар Маҳкамасига тақдирлар киритсин.

8. 2004 йилдан бошлаб шундай тартиб жорий этилсинки, бунда:

Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги, Давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси, Адлия вазирлиги бир ой муддатда қурилиш материаллари ва конструкцияларни etkazиб берувчилар ўртасидаги ўзаро муносабатларнинг тартибини бузганлик учун жавобгарлигини кучайтириш чораларини кўзда тутилсин.

5. Белгилаб қўйилсинки, буюртмачи билан бош пудратчи ўртасидаги, бош пудратчи, субпудратчи, лойиҳа ташкилотлари ҳамда қурилиш материаллари ва конструкцияларни etkazиб берувчилар ўртасидаги ўзаро муносабатлар оралиқ бўғинларининг иштирокисиз фақат шартнома муносабатлари асосида контракт тузган ҳолда амалга оширилади.

Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги, Давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси, Адлия вазирлиги манфаддор идоралар билан бирга бир ой муддатда қурилиш контракт асосида ташкил этиш бўлимига янги Низомни тубдан қайта ишлаб чиқиб, Вазирлар Маҳкамасига тасдиқлаш учун тақдим этсинлар. Бунда буюртмачи ва пудратчининг жавобгарлик чоралари аниқ белгилаб, қуйидагилар кўзда тутилсин:

буюртмачи ерданининг ўз вақтида ажратилиши, буюртмачининг формати берилиши, тендер ҳужжатлари тайёрланиши, пудрат ишларига танлов савдоси (тендер)ни ташкил этиш ва ўтказиш, тузилган контракт (шартнома)га мувофиқ келишилган график бўйича ўз вақтида молиялаш учун жавобгар бўлади;

пудратчи лойиҳанинг иш ҳужжатлари тайёрланиши ва экспертизадан ўтказилиши, ишларнинг контрактда келишилган графикка қатъий мувофиқ равишда бажарилиши ва иншоотнинг ўз вақтида фойдаланишга топширилиши учун, белгиланган қурилиш метёрлари ва қонда-




Қаҳрамон даласида

Файзулла Раҳмонов — Қасби туманидаги Шароф Рашидов номли ширкат хўжалигининг оилавий пудратчиси, Ўзбекистон Қаҳрамони. У бошқик эжамова ўтган йили ҳар гектар ердан 62 центнердан галла, 43 центнердан пахта йиғиштириб олган эди. Жорий йилда ҳам пудратчилар дилларига эзуе ниятларини жо айлаб астойдил меҳнат қилмоқдалар. Бу ўз самарасини бераётти: ҳозир 48 гектар майдонда галла майсалари, 46 гектар ерда эса гўза нўқоллари баравож ўсмоқда.

СУРАТДА: Ўзбекистон Қаҳрамини Файзулла Раҳмонов. Шомурод ШАРОПОВ (ўЗА) олган сурат.

ЕТБ Тошкент анжумани Немис матбуоти Нигоҳида



Тошкентда Европа Тикланиш ва тараққиёт банки Бошқарувчилар Кенгашининг XII йиллик мажлиси ўз ишини якунлади. Минтақа турмуш тарзи ҳамда мамлакатимизнинг ЕТБ билан стратегик алоқаларни тараққиётни истиқболларини белгилаб берувчи ушбу анжуман ва унинг натижалари Германиянинг етакчи оммавий ахборот воситаларида катта қизиқиш уйғотмоқда.

Германия матбуоти Ўзбекистон нафақат дунёнинг энг нуфузли молия институтларидан бири билан ҳамкорликни ривожлантириш, балки ушбу оралиқ ташкилот талабларига тўла жавоб бериш истagini ҳам намойён этганини алоҳида таъкидламоқда.

“Зюдийне цайтунг” газетаси ўзининг Тошкент анжуманига бағишланган мақоласида, жумладан, шундай дейди: “Бугун Ўзбекистон пойтахти мамлакатнинг тараққиёт йўлидан боришини белгилаб берувчи муҳим икки кунни бошидан кечирмоқда.

Албатта, Ўзбекистон бошқа мамлакатлар сингари бозор иқтисодиётига ўтиш даврини бошидан кечирмаган, молия ва иқтисодий ислохотлар соҳасида ҳам бой тажрибага эга эмас. Лекин мамлакатнинг жаҳон ҳамжамияти доирасида тенг ҳуқуқли шерик бўлиш учун барча имкониятларини ишга солаётгани ҳақиқий тараққиёт ва аниқ мақсадлар сари йўналтирилган рағбатининг мавжудлиги белгиландир. ЕТБ йиллик йиғили-

«Хуқуқ Ва бурч тарозиси»

Шаҳрисабз тумани мудофаа ишлари бўлимида ҳарбий хизматга қақрилатган ёшлар ва уларнинг ота-оналари билан «Хуқуқ ва бурч тарозиси» мавзусида очик мулоқот ўтказилди. Ушбу тадбирда иштирок этган вилоят ҳокими ўринбосарлари Н. Ҳакимов, Д. Холбоева, вилоят ва туман прокуратураси масъул ходимлари, туман мудофаа ишлари бўлими бошлиғи Э. Раҳимов ота-оналар ва резервдаги қақрилувчиларни қаққирган барча саволларга муфассал жавоб бердилар.

— Бундай тадбирлар нафақат туман марказида,

АЙБДОРЛАР ЖАЗОЛАНДИ

лар шу мақсадлар учун тўлаган пуллар талон-торож қилинган ёки қилинган бўлиб қўйилган. Шу муносабат билан яқинда қуйидаги расмий жавоб олдик:

“Мақола вилонт Халқ таълими бошқармасининг 2003 йил 5 апрель кунини ўтказилган кенгайтирилган ҳайъат йиғилишида барча шаҳар, туман халқ таълими бўлиmlари мудирлари, бошқарма тасарруфчилари муассасалар раҳбарлари ва бош ҳисобчилари иш-

Муносабат

Мухтарам Президентимиз Ислам Каримов Иккинчи қақриқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг ўн биринчи сессиясида қилган маърузалари орасида ташки элларда хоки ўрнашган буюк аждодларимизнинг мангу манзилларини обод қилмоқ тўғрисида изҳор этган тақдирлари бутун халқимизнинг чуқур қалб ташаккурларига сазовор бўлди.

АЙНИ КўНГИЛДАГИ ГАЛ

Мен зиёлилар орасида юрган одамман. Кўпгина давраларда «Эшитдиларингизми, Юртбошимиз қандай улуг бир ниятни билдирилди», деган фикр-мулоҳазаларини кўп эшитмоқдаман. Бу — халқимизнинг дилида уйғонган миннатдорчилик ҳис-туйғулридир. Мамлакатимиз раҳбарининг билдирган фикрлари айни кўнгилдаги гал бўлди.

Мустақиллигимизнинг ўтган йилларида халқимиз тарихида ўтган не-не зотлар қадр-қиммати, ёрқин хотиралари Президентимизнинг савобли сай-ҳаракатлари туфайли қайтадан тикланганлигини ҳаммаси яқин билдимиз. Биргина Ўзбекистон пойтахти Тошкентда гўзал Навоий боғини, Навоийнинг улугвор ҳайкалинини яраттишда у киши нақадар улкан матонатли тадбирлар қўриб, бу ишларнинг амалга ошишига бевосита бошқош бўлганликларини яна бир қарра миннатдорлик билан эслагимиз келади.

Ниҳоят, мустақиллик йилларида Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Республикаси давлат муқофотини махсус Фармон билан жорий этилди. Энг муътабар минбарларда туриб бутун халқимизнинг ва ҳар биримизнинг қалбимизга Навоийнинг ҳикматнафас асарлари нақадар зарур эканлигини таъкидлаб айтганлари улуг мутафаккир шoirимиз меросига мамлакатда оммавий қизиқишни кучайтириб юборди. Мен шахсан навоийшунос бир олим сифатида буюк бобокалонимиз ижодига ва унинг ўлмас инсонпарварлик гоғларига Президентимизнинг бу қадар юксак эътибор билан қаратганликларидан кечикиз ифтихор қиламан.

Ўтган сессияда Юртбошимизнинг Абу Райҳон Беруний, Алишер Навоий, Заҳириддин Муҳаммад Бобур номларини тилга олиб, бу улуг ватандошларимизнинг Афғонистон ҳудудидаги ҳоки ўрнашган табаркур жойларини ободонлаштиришга доир тақдирлари Ўзбекистон ақлининг биронтасини ҳам бефарқ қолдирмади. Агар шу хайрли иш бошланса ва биродарларимиз истак билдириб айтганларидек, шу мақсадда махсус жамағарматашкил этилса, ишончим комилки, унинг ҳазинасига миллионлаб ватандошларимиз сиққидилдан ўз ҳиссаларини қўшадилар. Чунки истиқлол нашидасидан баҳараманд ўзбек халқи ўзининг улуг фарзандларини хотирасини ҳаммиса қарлайди ва эъзоз қилади. Айниқса, биз — зиёлилар, Президентимиз илгари сурган бу эзуе ниятни рўёбга чиқариш йўлида ҳар қандай савобли хизматга тайёрмиз. Ҳаётда хайрли ишлар қўпавверсин.

Азиз ҚАЮМОВ,
академик.

«Golden Rain — 2003»

Шу йилнинг 24-25 май кунлари Алишер Навоий номидаги давлат академик катта театрида «Golden Rain — 2003» Ўзбекистон қубоғи учун спорт бал рақсларининг 4-халқаро турнири бўлиб ўтди. Кеча республика Миллий матбуот марказида бўлиб ўтган анжуман ана шу мавзуга бағишланди.

— Ёш авлодда санъат ва спортга бўлган муҳаббатни уйғунлаштириш турнирининг асосий мақсадларидан биридир, — деди «ONIKS» спорт-рақс клуби мураббийси Елена Одинова «Туркистон-пресс» муҳбирига. Олимпия ўйинларига киритилган спортнинг бу тури ёшлар орасида тобора омалашиб бораётти. Бу йилги турнирда Ўзбекистон, Россия, Қозғистон ва Қирғизистон давлатларидан икки юздан ортиқ жуфтлик қатнашиши кўзда тутилган.

«Бойсун Баҳори»

Пурвиқор тоғлар бағрига жойлашган Бойсун келгуси ҳафтада бўлиб ўталаган «Бойсун баҳори» халқаро фестивали пухта ҳозирлик қўраётти.

Фестивалга мамлакатимизнинг турли вилоятларидан ва қўшини мамлакатлардан 500 нафарга яқин меҳмонлар келиши кутилмоқда. Шунингдек, бўлажак санъат байрамига Франция, Япония, Англия, Корея Республикаси ва Россиядан ҳам нуфузли меҳмонлар келишади.

Халқаро фестивал туманининг «Чорчинор» маҳалласида, амфитеатр ва «Наврўз» майдонида намойиш этилади. «Бойсун баҳори» деб номланган ушбу халқаро фестивал мумтоз санъатимизнинг ўзинга хоc байрами сифатида таассуротларга бой бўлиши шубҳасиз.

М. ТОҶИЕВА.

(Давоми 2-бетда).

«Халқ сўзи» назоратида

ГўДАКНИНГ РИЗИҚИ

Газетамизнинг шу йилги 4 март сониди «Гўдакнинг ризиқи» сарлавҳадан мақола чоp этилганлиги. Унда Фарғона вилоятининг Кува тумани ва Қувасой шаҳрида айрим боғлар боғчаларида озиқ-овқат маҳсулотлари ҳамда ота-она-

бўлган кенгаш йиғилиши қарорига қўра ваъдаларидан четлаштирилганлигини ийбат билдирилди.

Аниқдан ҳаммадан ва ўлаштирилган маблағлар айбдорлардан тўлиғича ундирилди. Бошқарма ўз тасарруфидига муассасаларда келгусида юқоридаги сингари камчиликлар тақдорламаслигини учун назоратни кучайтириш чора-тадбирларини белгилади.

М. ХОДЖАЕВ,
Фарғона вилояти Халқ таълими бошқармаси бошлиғи.

Яқинда хизмат юзасидан қишлоққа борганимда бир дўстим узокдан келатган барваста, туппа-тузук кишини ишора билан кўрсатиб, «Анави келатган одамни танийсанми, у куда ёмон одам, маҳалламиз посбони, баъзи бировларни ички ишлар ходимларига ёмонлаш, сотиш билан кун кўради. Хамма ундан кўради», деди. Мен посбоннинг маҳалладаги ҳаётдан бохабарлигидан, оғоҳлигидан қувондим. Дўстимга эса айби борларнинггина беғи қалтирашини, кўрқини тушунтирдим.

Ўзликни англаш даври

Кариаларимиз доим қўл очиб: «Юртимизда тинчлик, оёйишталик бўлсин», дея бекорга дуо қилмайдилар. Унинг қадрини дилдан ҳис қилганликлари, чуқур англаганликлари учун шундай қиладилар. Биз-чи, тинчликни сақлаш йўлида оғоҳимизми? Маҳалламизга ким келиб, ким кетаяпти, нима нима иш билан машғул, бохабаримизми? Фарзандларимиз кўнглида нима гап бор, ким-ларга яқин юришади —

Оғоҳлик

ҳеч қизиққанми? Бирор қорин ҳол содир бўлмаслиги учун биз нима қилаемиз? Баъзи бировлар ёнимизда туриб, ўтмишни қўмсаганида нега жим тураемиз, нега лоқайдимиз? Шундайларга ўша мақтаган замонда қўл бўлганлигимизни, энди эса эркимиз қўлимиздалганини, Ватан эгаси эканлигимизни тушунтириб бераемизми?

Баъзи маҳалла оқсоқолларидан қайси газеталарни ўқиб бораемиз, деб сўрасангиз, елка қиснади. Энди ўзингиз ўйланг, истиқлолимиз мазмун-моҳияти, давримиз кўзгуси бўлган матбуотдан йироқ раҳбар қандай қилиб маҳаллага бошчилик қилади? Қай мақсадда элдошларига елкадош бўлади. Кимдан, нимага оғоҳ бўлишни, қандай йўл тутишни қардан билмади? Ахир, оғоҳлик оилалар, маҳаллалардан бошланади-ку!

Оила — муқаддас қосона, тарбия ўчоғи. Яхши тарбия кўрган фарзанд ватанфурушлик қилмайди, ота-онани, элу-юртнинг юзига оёқ қўймайди. Бунинг учун биз дил-бандларимизга вақт ажратиб, эътибор билан тарбия бера олсак, эртанги кунимиз янада ёрқин бўлади. Беътиборликдан эса

Ойбек РАҲИМОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

9 МАЙ —

ХОТИРА ВА ҚАДРЛАШ КУНИ

«ЎЗМАКОМ» Қўшма корхонаси

Сизларга тинчлик, тотувлик, бахт ва омад тилайди!

Бизнинг манзилимиз: Халқлар Дўстлиги шк., 8.
Тел.: (998 92) 100 00 15, 100 00 16, 173 00 15.
Факс: (998 92) 120 63 78, 100 98 98.
www.uzmacom.uz

Германияни кашф этатган болалар

Болаларнинг қарашлари ҳам, фикр-лашларино тасаввурлари ҳам ўзлари қай содда ва беғубор бўлади. Пойтахтимиздаги Замонавий санъат музейида очилган «Германия болалар учун» кўргазмасини томоша қилсангиз бунга яна бир бор ишонч ҳосил қиласиз. Кўргазмада улкан глобус, сеҳрли фонус, футбол майдони, эрталар қасри сингари бир қанча асарлар ўрин олган. Буларнинг барчаси болалардаги олд Германия, унинг табиати, тарихи ва маданиятига, тилига бўлган қизиқини янада оширади. Улар ўз тасаввурларидаги Германияни кашф этдилар.

М. ТОЖИБЕВА.

«ЎЗҚИШЛОҚЭЛЕКТРҚУРИЛИШ» ОТАЖ

Аҳамиятли фактлар ҳақида АХБОРОТ

Тартиб рақами — 05.

Жамиятнинг номи: «Ўзқишлоқэлектрқурилиш» очик турдаги акционерлик жамияти.
Манзил: Самарқанд шаҳри, Миршарапов кўчаси, 7-уй.
Умумий мажлис номи: йиллик.
Умумий мажлис ўтказилган сана: 2003 йил 3 апрель.
Умумий мажлис ўтказилган жой: Самарқанд шаҳри, Миршарапов кўчаси, 7-уй.
Умумий мажлис қарорини тузиб имзолаш: 2003 йил 14 апрель.
Умумий мажлис қворуми: 86835 акция эгасидан 35 киши қатнашди, қворум — 90%.

Тартиб рақами — 09.

- Йилгилик кун тартибига қўйилган масалалар ва уларнинг якуни**
- Жамият раисининг 2002 йилги молиявий-хўжалик ҳисоботини эшитиб, жамият иш фаолиятини 86835та овозга эга бўлган акционерларнинг 100% овози билан қонқарли деб қарор қабул қилинди.
 - 2002 йилги молиявий-хўжалик балансини тасдиқлаш.
Овоз бердилар: «ёқлаб» — 86835 овоз, «қарши» ва «бетараф» — йўқ.
 - Аудитор ҳулосасини тасдиқлаш.
Овоз бердилар: «ёқлаб» — 86835 овоз, «қарши» ва «бетараф» — йўқ.
 - Тафтиш комиссияси ҳулосасини тасдиқлаш.
Овоз бердилар: «ёқлаб» — 86835 овоз, «қарши» ва «бетараф» — йўқ.
 - 2002 йилги натижа бўйича дивидендни тасдиқлаш. Хар бир акцияга 400 сўмдан тасдиқланди.
Овоз бердилар: «ёқлаб» — 86835 овоз, «қарши» ва «бетараф» — йўқ.
 - 2003 йилги бизнес-режани тасдиқлаш.
Овоз бердилар: «ёқлаб» — 86835 овоз, «қарши» ва «бетараф» — йўқ.
 - Давлатнинг ишончли вакили ҳисоботини тасдиқлаш.
Овоз бердилар: «ёқлаб» — 86835 овоз, «қарши» ва «бетараф» — йўқ.
 - Кузатув кенгаши раисининг ҳисоботини тасдиқлаш.
Овоз бердилар: «ёқлаб» — 86835 овоз, «қарши» ва «бетараф» — йўқ.
 - Бошқарув раиси билан шартнома тузиш.
Овоз бердилар: «ёқлаб» — 86835 овоз, «қарши» ва «бетараф» — йўқ.
 - ОТАЖнинг янги кузатув кенгаши аъзолари тасдиқлансин.
1. Аҳмедов Абдулла Мухитович — «Ўзбекэнерго» ДАК УРИП бошлиғи ўринбосари.
Овоз бердилар: «ёқлаб» — 98% овоз, «қарши» ва «бетараф» — йўқ, бузилган — 2%.
 - Мамиров Абдиқошим Дувланович — нафақахўр.
Овоз бердилар: «ёқлаб» — 88% овоз, «қарши» — 10%, «бетараф» — йўқ, бузилган — 2%.
 - Эшпўлатов Бобонор — нафақахўр. Овоз бердилар: «ёқлаб» — 88% овоз, «қарши» — 10%, «бетараф» — йўқ, бузилган — 2%.
 - Жўраев Тўфли — нафақахўр. Овоз бердилар: «ёқлаб» — 88% овоз, «қарши» — 10%, «бетараф» — йўқ, бузилган — 2%.
 - Якубов Абдулло Шерофич — Сам МЭТ ШК директори. Овоз бердилар: «ёқлаб» — 88% овоз, «қарши» — 10%, «бетараф» — йўқ, бузилган — 2%.
 - Алмамедова Лола Нуриевна — Сам МЭТ ШК бош бухгалтери. Овоз бердилар: «ёқлаб» — 88% овоз, «қарши» — 10%, «бетараф» — йўқ, бузилган — 2%.
 - Гимранов Марат Амирович — ТСМ-5 директори. Овоз бердилар: «ёқлаб» — 88% овоз, «қарши» — 10%, «бетараф» — йўқ, бузилган — 2%.
 - Исроилов Эргаш Раҳматович — Жиззах МЭТ ШК директори. Овоз бердилар: «ёқлаб» — 88% овоз, «қарши» — 10%, «бетараф» — йўқ, бузилган — 2%.
 - Чолақ Юсуф Осмонович — нафақахўр. Овоз бердилар: «ёқлаб» — 88% овоз, «қарши» — 10%, «бетараф» — йўқ, бузилган — 2%.
- Жамиятнинг амалдаги низомига айрим ўзгартришлар киритиш.
Овоз бердилар: «ёқлаб» — 86835 овоз, «қарши» ва «бетараф» — йўқ.
- Тартиб рақами — 10.**

Акциядорларнинг 2003 йил 3 апрелдаги умумий йилгилик қарори ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2003 йил 24 январдаги № УП-3202 Фармони талаблари бўйича жамият кузатув кенгашининг куйидаги янги таркиби сайланди.

Янги сайланган шахслар: А.М. Аҳмедов, А.Д. Мамиров, Б. Эшпўлатов, Т.Ж. Жўраев, А.Ш. Якубов, Л.Н. Алмамедова, М.А. Гимранов, Э.Р. Исроилов, Ю.О. Чолақ.

Ваколати тугатилган шахслар: Л.Н. Петрова, М.Х. Хушвақтов, К.Х. Худойкулов, В.П. Шевченко, Э. Мамедова, Д. Туксариев, К. Музаев.

Ш.Т. Турабов бир йил муддатга «Ўзқишлоқэлектрқурилиш» ОТАЖ бош директори қилиб тасдиқланди.

«Ўзқишлоқэлектрқурилиш» ОТАЖ афиьланган шахс рўйхати

№	Афиьланган шахс	Акциялар сони	Фоиз
1.	ДАК «Ўзбекэнерго»	24170	25

Янгиликлар, воқеалар, далиллар

Вакил тайинланди

АҚШ президенти Жорж Буш Пол Бремерни ўзининг Ироқдаги вакили ва ушбу давлат фуқаро маъмури этиб тайинлади. Буш Оқ уйда журналистлар билан мулоқотда Бремер катта тажрибага эга эканлиги ва унга тўлиқ ишонини таяққиллади, деб хабар беради «News ru».



Бремер 61 ёшда. У давлат департаментини 23 йилдан буён фаолият юритган ва олти нафар давлат котибларига ёрдамчи бўлган. Сўнгги йилларда у йирик консалтинг фирмасида ишлаётган эди.

Робертсоннинг таклифи

НАТО Бош котиби Жорж Робертсон Канадага Афғонистондаги тинчликпарвар куларга бошчилик қилишни таклиф этди.

Монреалда бўлиб ўтган матбуот анжуманида, Робертсон келажакда бошқа давлатлар ҳам мустақил равишда тинчликпарварлик вазифаларини бажаришлари мумкинлигини айтди.

Канада Афғонистондаги ҳарбий контингентга келгуси йилнинг февраль ойидан бошчилик қилади, деб хабар беради «Рейтер» агентлиги.

Муносабатлар илиқлашмоқда

Покистон Бош вазири Зафарулло Хон Жамолий Исломобод Ҳиндистон билан автомобиль, темир ва ҳаво йўллари алоқаларини қайта тиклашга тайёр эканлигини маълум қилди. Бош вазири матбуот анжуманида Покистон сув ҳудудларида қўлга олинган 40 нафар Ҳиндистонлик балиқчининг озод этилишини ҳам билдирди, деб хабар беради «Рейтер» агентлиги.

Икки давлат ўртасидаги муносабатлар ўтган ҳафтада Покистон Бош вазири Деҳли билан олий даражадаги музокаралар ўтказиш таклифига Ҳиндистон Бош вазирининг розилик билдирганидан сўнг илиқлашди.

Яна бир йилга узайтирилди

БМТ ХК Либерияга нисбатан халқаро санкцияларни яна бир йилга узайтиришни маълумлади. Унда қайта ишланмаган оломсларни мамлакатдан чиқаришни, ушбу давлатга қурол-яроғ сотишни тақиқлаш ва ҳукумат амалдорларининг хорижга сафарларини чеклаш қўзда тутилган. Шу йилнинг 7 июлидан бошлаб мамлакатдан ўрмон материалларини чиқариш ҳам тақиқланади, деб хабар беради «News ru».



Хавфсизлик Кенгашида Либерия минтақадаги исёичи гуруҳларни, хусусан, Кот-д-Ивуардаги жангариларни фаол қўллаб-қувватлаётгани қайд этилди.

Айбига иқдор бўлди

Собик Югославия бўйича халқаро трибунал судида айбланувчилардан бири капитан Момич Николитч одамларни сиёсий ва диний белгиларидан келиб чиққан ҳолда таъқиб қилганини тан олди. Босния сербларининг собик қўмондони Николитч ва яна тўрт нафар киши 1995 йили Сребреницада мусулмонларни ўлдирилганда айбланмоқда. Бундан ташқари Николитч генотцид ва уруш олимбориш қоидаларини бузганида ҳам гумон қилинмоқда, деб хабар беради «РИА»-Новости» агентлиги.

Муқаддас жойларни қўриқлашади

Бир юз эллик нафар озарбойжонлик ҳарбий 12 май кун Ироққа юборилади. Озарбойжон мудофаа вазири Сафар Абиев ана шу ҳақда маълум қилди. Унинг айтишича, ҳарбийлар Мосул ва Карбалодаги муқаддас жойларни қўриқлашади, деб хабар беради «РИА»-Новости» мухбири.

Сепаратчилар ҳужуми

Ҳиндистон шимоли-шарқда айирмачиларнинг аҳоли яшовчи ҳудудга ҳужуми оқибатида 20 киши ҳалок бўлди. Трипурда ҳалок бўлганларнинг барчаси тинч аҳоли вакиллари эди, деб хабар беради «Рейтер» агентлиги.

Ҳодиса ҳақида ҳозирча бошқа хабарлар тарқатилмаган.

Бутунжаҳон террорчилар рўйхати

Испания Бош вазири Хосе Мариа Аснар БМТ қошида янги пайтада ушбу ташкилот, ЕИ, АҚШ ва бошқа қатор давлатларда мавжуд террорчилар рўйхатини тузишга ягона бутунжаҳон террорчилар рўйхатини тузишни таклиф қилди. Бу ҳақда Бош вазири БМТ ХКнинг террорчиликка қарши кураш қўмитасининг йилги йиғинидаги нутқида баён этди, деб хабар беради «РИА»-Новости» агентлиги.

Унинг айтишича, ягона бутунжаҳон террорчилар рўйхатининг тузилиши ушбу хавфли иллатга янада самарали қуришишда муҳим омили бўлади.



Хитойда гайриоддий зотилжам касаллигига чалинганларнинг уй ҳайвонлари ҳар эҳтимолга қарши ўлдирилмоқда. Мамлакатда вируснинг жониворлар орқали ҳам тарқалишининг олдини олиш учун ана шундай чоралар қўришга қарор қилинди, деб хабар беради «Lycos.ru».

«УЙ-ЖОЙ МУЛҚДОРЛАРИ ШИРКАТЛАРИ ФАОЛИЯТЛАРИНИ ЭНГ ЯХШИ ЁРИТИШ»

Бўйича танловда қатнашишга ТАКЛИФ

АҚШнинг Халқаро ривожланиш бўйича агентлиги (USAID) томонидан молиялаштирилган «Марказий Осиёда маҳаллий бошқаришни ривожлантириш» дастурини амалга ошираётган Урбан Институт/Тошкент оммавий ахборот воситаларида Ўзбекистонда уй-жой мулкдорлари ширкатлари фаолиятларини энг яхши ёритиш бўйича танлов эълон қилади.

Танлов шартлари:
Танлов 3 номинация бўйича ўтказилади:
 ☐ босма оммавий ахборот воситаларида чоп этилган энг яхши мақолалар туркуми (камиди 3 та);
 ☐ энг яхши телекўрсатувлар туркуми (камиди 3 та);
 ☐ энг яхши радиоэшиттиришлар туркуми (камиди 3 та).

Юқорида кўрсатилган барча номинациялар учун совринлар таъсис этилган. Танловда Ўзбекистон Республикаси ҳудудида рўйхатдан ўтган оммавий ахборот воситаларининг (Интернет-нашрлар бундан мустасно) ижодий ходимлари иштирок этишлари мумкин.

Танлов материаллари 2003 йилнинг 15 майдан 30 августгача матбуотда чоп этилган, телевидение ва радио орқали эфирга узатишдан бўлиши керак. Мақолалар, телекўрсатувлар ва радиоэшиттиришларнинг ҳажми ва жанри чегараланмайди.

Ҳар бир танлов материаллари:
 ☐ уй-жой мулкдорлари ширкатларида демократик бошқариш гоёсини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириши;
 ☐ уй-жой мулкдорларининг ширкат фаолиятида фаол иштирок этишларига ёрдам бериши лозим.

Танлов материаллари мустақил экспертлар комиссияси томонидан кўриб чиқилади.

Ғолибларни аниқлаш мезонлари:
Куйидаги материалларга афзаллик берилади:
 ☐ уй-жой мулкдорлари ширкатлари орқали кўпхонадонли уй-жой фондиди бошқариш тизимидаги ижобий тажрибани жуда тўлиқ ёритиб берадиган;
 ☐ уй-жой мулкдорлари ширкатлари фаолиятлари масалаларини ҳуқуқий позициядан ёритган;
 ☐ маълумот бериш, тушунтириш бўйича ва конструктив характери билан ажралиб турадиган;
 ☐ хонадонлар эгалари ва уй-жой мулкдорлари ширкатлари учун амалий фойда берадиган;
 ☐ сифатли ва чуқур ёритилган журналистик ишга, антикий баён этилган материалга;
 ☐ ижобий ва руҳий таъсир кўрсатиш кучига эга бўлган.

Танлов материаллари: мақолалар (асл нусхаси ёки ксерокопияси), телекўрсатувлар, радиоэшиттиришлар (видео ва аудио ёзувлар)ни Урбан Институт/Тошкентга куйидаги манзил бўйича юбориш лозим:

700015, Тошкент шаҳри, «Афросиёб» шохқўчаси, 12-уй, 5-блок, 3/1-офис.

Танловга материаллар 2003 йил 5 сентябрга қадар қабул қилинади.

Танлов комиссияси танлов натижаларига 2003 йил 15 сентябрдан кечикмай якуни ясади.

Танлов материаллари ва мавзулари ҳақида тўлиқ маълумот ва маслаҳатлар олиш учун Урбан Институт/Тошкентга мурожаат қилиш мумкин.
Телефонлар: 152-76-77, 152-76-78, 152-77-02, факс: 152-76-78,
электрон почта: FTurayev@ui.uz; K.Irodat@ui.uz

